

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2007 йил, 6 июнь, ЧОРШАНБА

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган


ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КUNДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 107 (10.916)

Баҳоси эркин нарҳда

## ХАЛҚИМИЗ БУНЁДКОРЛИК ҚУДРАТИНИНГ ЯНА БИР ТИМСОЛИ

**ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ ИСЛОМ КАРИМОВ 5 ИЮНЬ КУНИ  
ПОЙТАХТИМИЗ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ХАЗРАТИ ИМОМ  
МАЖМУАСИДА НИХОЯСИГА ЕТКАЗИЛГАН ҚУРИЛИШ  
ВА ОБОДОНЛАШТИРИШ ИШЛАРИ БИЛАН ТАНИШИШ  
МАҚСАДИДА БУ ЕРГА ТАШРИФ БУЮРДИ.**



**(ЎЗА)**  
Фарҳод Қурбонбоев  
олган сурат.

Ушбу мажмуада ниҳоятда қисқа муддат — 4 ой мобайнида жуда катта бунёдкорлик, таъмирлаш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. Бугун бу масканда салябат ва маҳобат тўкиб турган Хазрати имом жомеъ масжиди, Бароқхон мадрасаси, Мўйи муборак зиёратгоҳи, Ўзбекистон мусулмонлар идорасининг янги биноси ва бошқа ноёб, бетакрор иморатлар ҳар қандай инсоннинг ҳам кўзини қувонтириб, халқимизнинг буюк бунёдкорлик салоҳияти ва яратувчилик даҳосини яна бир марта ёрқин намоян этиди.

Киёфаси тубдан ўзгариб, бутунлай янги чирой касб этган бу масканга қадам қўйар экансиз, беихтиёр Сохибқирон Амир Темур бобомизнинг «Бизнинг қудратимизни кўрмоқчи бўлганлар, биз барпо этган иморатларга боқсин!» — деган ҳаққоний сўзлари ёдга тушади.

Президент Ислам Каримов Хазрати имом мажмуасини кўздан кечирар экан, бундай улугвор обидалар

Оллоҳ таоло назари тушган муқаддас заминдагина бунёд этилишини, бу эса бизнинг маънавий илдиэларимиз нақадар теран ва бақувват эканининг тасдиғидир, деб таъкидлади.

Мамлакатимизнинг барча ҳудуд ва минтақаларида кенг кўламда амалга оширилаётган мана шундай эзгу ишлар Ўзбекистон давлати, ўзбек халқининг бугунги кунда қандай орзу-ният ва интилишлар билан яшайётганидан далолат беради.

Юртбошимиз ушбу мажмуани барпо этишда жонбозлик кўрсатган қурувчи ва муҳандислар, қўли гул усталар, шу савобли ишга ҳисса қўшган барча инсонлар меҳнатига юксак баҳо бериб, уларга халқимиз номидан миннатдорлик билдирди. «Бизнинг кўнглимиз ҳам, юзимиз ҳам ёруғ, иншоолло, келажгимиз ҳам ёруғ бўлади», — деди давлатимиз раҳбари пировардида.

### ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни

Янгиликлар, воқеалар

### Кечка сатрларда

- **БУГУН** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида бадий жамоалар ҳодимлари, тўғрақ ва ўқув курслари қатнашчилари иштирокида уюштирилган маънавий-маърифий тадбир «Замон ва ёшлар» деб номланди.
- **БУГУН** Фахруллоҳ номидаги маданият ва истироҳат боғида «Маънавият гулшани» даврасининг «Хотира муқаддас» туркумида уюштирилган адабий-мусликий хотира анжумани «Мақом мулкининг султони» деб номланди. Ушбу тадбир бастакор, соҳнада, хонанда, академик Юнус Раҳабий таваллудининг 110 йиллигига бағишланди.
- **КЕЧА** Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида Яққасарой туман ҳокимлиги, туман меҳнат бўлими ҳамкорликларида ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида меҳнат ярмаркаси уюштирилди.
- **БУГУН** Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармаси, Ўзбекистон ноғиронлар жамияти, Бадий академия, «Ёнграг» халқаро жамғармаси ҳамкорликларида меҳрга ташна иқтидорли болаларнинг ўртинда уюштирилган «Мафтункор ранглар олами» кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи ўтказилди.
- **КЕЧА** Тошкентга сўлим ёғи оромгоҳларда дам олиш мақсадида қорақалпоғистонлик болажонлар ташрифи бўлиши.
- **КЕЧА** Миср Араб Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси ташаббуси билан Ўзбекистон иқтидорли болажонлар иштирокида уюштирилган расмлар кўрик-танлови «Миср — болалар нигоҳида» деб номланди.
- **ЖАР** спорт мажмуасида ўсмирлар ўртасида самбо бўйича Ўзбекистон чемпионати мусобақалари уюштирилди.
- **ГЕМАТОЛОГИЯ** ва қон куйиш илмий текшириш институтида **КЕЧА** шифокорлар иштирокида «Хавфсиз қон — хавфсиз оналик» мавзусида ўтказилган анжуман Халқаро донорлар кунига бағишланди.
- **КЕЧА** Миллий матбуот марказида Бутунжаҳон атроф-муҳитида муҳофаза қилиш кунига бағишлаб шифокорлар, экологлар иштирокида анжуман ўтказилди.

**(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг  
Ахборот хизмати ва ўз мухбирлари-  
миз хабарларидан).**

### БОЛАЛАРГА ҒАМХЎРЛИК НАМУНАСИ

**«SOS КИНДЕРДОРФ ИНТЕРНЭШНЛ» ХАЛҚАРО ЖАМИЯТИ ПРЕЗИДЕНТИ  
ХЕЛЬМУТ КУТИН БОШЧИЛИГИДАГИ УШБУ ХАЛҚАРО ЖАМИЯТ ВА  
GERMANYANING GERMAN ГМАЙНЕР НОМИДАГИ ЖАМҒАРМАСИ  
ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИДАН МАҚСАД «SOS-ТОШКЕНТ  
БОЛАЛАР МАХАЛЛАЛАРИ» ФАОЛИЯТИ БИЛАН ТАНИШИШ ВА САМАРҚАНДА  
ЕТИМ БОЛАЛАРНИ ОИЛА ШАРОИТИДА ТАРБИЯЛАШ БЎЙИЧА ЯНА БИР  
ШУНДАЙ ҲАМЖАМИЯТ ОЧИЛИШИДА ИШТИРОК ЭТИШДИР.**

Мустақилликнинг илк кунларида Ўзбекистон болалари соғлом, ҳар томонлама билимли, жисмонан ва маънавий етук бўлиб вояга етиши тўғрисида ғамхўрлик қилиш Президент Ислам Каримов олиб бораётган сиёсатнинг энг муҳим устуворликларидан бирига айланган. Шу мақсадда бир қатор давлат дастурлари амалга оширилмоқда, миллий қонунчилик халқаро меъёрлар ва БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини ҳисобга олган ҳолда мунтазам тақомиллаштирилмоқда. Тақдир тақозоси билан ота-она меҳридан маҳрум бўлган болаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу йўналишда амалиётда сигналдан энг яхши педагогик-тарбиявий технологиялар асосида кўлаб лойиҳалар амалга оширилмоқда. Жумладан, Вазирлар Маҳжасининг 1997 йил 31 декабрдаги қарорига кўра «SOS — Ўзбекистон болалар маҳаллалари» уюшмаси ташкил этилди.

2000 йилда Тошкентда «SOS — Болалар маҳалласи»нинг ташкил этилиши уюшманинг биринчи лойиҳаси бўлди. Ҳозир бу ерда 3 ёшдан 18 ёшгача бўлган 100 нафар бола яшамоқда, тарбияланмоқда ва ўз иқтидорини ривожлантирмоқда. Улар бу ерда ўз уйини, оиласини ва она меҳрини топди.

Маҳалла ҳудудида 14 та оилавий кotteж, болалар боғчаси, яхши жиҳозланган спорт ва ўйин майдончалари бор, кўплам тўрақлар ва секциялар фаолият кўрсатмоқда. Уларда болалар ва кизлар макраме, инглиз тили ва рақс билан шуғулланмоқда, шахмат, футбол ўйнамоқда, кураш тушишни ўрганмоқда. Икки қаватли ҳар бир кotteжда тарбиячи-она ва оилага қабул қилинган турли ёшдаги бир неча бола яшайди. Улар ҳўжаликни ўзи юратадиган, дарс тайёрлаш ва турли машийи муаммоларни ҳал қилишда бир-бирига ёрдам беради. Бу ҳақиқий оила бўлиб, болалар оналарига айланган аёл, тутиган ака-синглиллари меҳрини ҳис этиб, ҳур

мат ва эътибор муҳитида яшайди. Айни пайтда оилалар бир-биридан ажралиб қолган эмас. Улар таҳриба алмашади, ўзаро ёрдам кўрсатади. Буларнинг барчаси бола шахсиятининг ривожланишига, унинг ижтимоий жиҳатдан фаол,



жамият учун зарур ва фойдали инсон бўлиб улғайишига кўмаклашди.

Хорижий делегация аъзолари Болалар маҳалласига ташриф буюриб, тарбиячи-оналар, болалар билан мулоқотда бўлди. Шундан сўнг матбуот анжумани ўтказилди. «SOS Киндердорф интернэшил» халқаро жамияти президенти Хельмут Кутин журналистларнинг саволларига жавоб бера экан, жумладан, шундай деди:

— Бу каби болалар маҳаллалари биринчи марта 60 йил олдин Австрияда Герман Гмайнер томонидан ташкил этилган эди. Ҳозир унинг номидаги жамғармада бутун дунё бўйлаб бу ноёб моделни тарқатиш учун маблаглар тўпланади. Бугунги кунда бундай маҳаллалар 132

мамлакатда фаолият кўрсатмоқда. Бирок, бу хайри ишни молиявий кўлаб-қувватлаш энг муҳим масала эмас, асосийси, бутун жамиятнинг иштирокини таъминлаш зарур. Бир неча йил аввал болалар маҳалласи ташкил этилиши муносабати билан Тошкентга келгандим. Ушанда Президент Ислам Каримовнинг болаларга, улар ҳар томонлама ривожланиши учун қўлай шароит яратишга қанчалик эътибор қаратаётганига ишонч ҳосил қилдим. Бу кийин, лекин жуда хайри иш. Самарқандда болалар маҳаллаларини яратиш бўйича лойиҳанинг амалга оширилиши — мамлакатимизда болалар келажига йўналиш қилинаётган улкан ишларнинг яна бир намоиши бўлади.

Матбуот анжуманида сўзга чиққан «SOS Киндердорф интернэшил» халқаро жамияти бош котиби ўринбосари Михаел Пётл ва ушбу ташкилотнинг Марказий Осиё ва Кавказ минтақаси бўйича директори Зденко Седлар Ўзбекистонда Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришишга қаратилган сиёсат изчил амалга оширилаётганини таъкидлади. Улар оила шаклидаги узоқ муддатли шадфелик лойиҳаси мамлакатимизда ҳам давлат, ҳам аҳоли томонидан кўлаб-қувватланаётганини қайд этди.

Шундан сўнг «SOS Киндердорф интернэшил» халқаро жамияти делегацияси Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги «Гулистон» маҳалласида бўлиб, республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси ва БМТ Болалар жамғармаси — ЮНИСЕФ вакиллари билан оилани мустақамлаш бўйича қўшма лойиҳанинг амалга оширилишини муҳокама қилди. Бугунги кунда ҳам таъминланган ва кўп болали 54 та оила патронажга олинган. Бу оилаларда ота-оналар ва болаларга зарур ҳуқуқий, тиббий, психологик-педагогик, хайрия ёрдами, ишга жойлашишда кўмак берилмоқда. Бундан ташқари, лойиҳа доирасида ижтимоий ҳодимларни тайёрлаш учун тренинглар ташкил этилган бўлиб, ҳодимлар унда олган билим ва тажрибаларини ўз маҳаллаларида қўлайди ҳамда келгуси Болалар маҳаллалари учун кадрлар захираси ҳисобланади.

**Анна ИВАНОВА,  
ЎЗА мухбири  
Сарвар Урмонов  
олган сурат.**

### ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА ТОШКЕНТДА ЎЗБЕКИСТОН САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ ВА БМТ ТАРАҚҚИЁТ ДАСТУРИ (БМТД) ТАШАБУСИ БИЛАН ЎТКАЗИЛГАН ДАВРА СУХБАТИ «ХУСУСИЙ СЕКТОРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ: ҲАМКОРЛИК ЗАРУРАТИ» МАВЗУИГА БАҒИШЛАНДИ. УНИНГ ИШИДА РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ ЕТАКЧИ ВАЗИРЛИК ВА ИДОРАЛАРИ ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.

БМТДнинг мамлакатимиздаги доимий вакили Фикрет Акчура тадбирда муҳокамага қўйилган масалаларга тўхталиб хусусий сектор билан давлат ўртасидаги ҳамкорликни фўқаролик жамияти, халқаро ташкилотлар билан иқтисодийнинг хусусий секторини янада ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларини белгилаб олиш зарурлигини таъкидлади. Шунингдек, мамлакатда бизнеснинг тобора ўсиб бориши учун мазкур соҳадаги барча имкониятларни сафарбар этиш, экспорт салоҳиятини янада кенгайтириш лозимлигини эътироф этди.

Шундай ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида Ўзбекистонда хусусий секторни ривожлантиришга йўналтирилган БМТД ташаббусли тақдирларнинг тақдими ташкил этилди.

Буларни мамлакатимизда амалга оширилаётган қатор техник кўмак лойиҳалари, уларни ҳаётга таъбиқ этишнинг навбатдаги долзарб вазифалари мисолида қўриш мумкин. Солиқ ва божона соҳаларидаги ишхотлар, экспортни рағбатлантириш, давлат билан хусусий секторнинг ўзаро фаолияти, ҳудудлар ва қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш борасидаги ишлар шулар жумласидандир.

«Ўзбекистон Бизнес Форуми» лойиҳаси менежери Назар Толибко-

нов анжуман иштирокчиларини ташкил этилаётган таҳлил марказининг фаолияти ва асосий иш йўналишлари билан таништирди. Мазкур лойиҳа мuddати 2009 йилгача амалга оширилади. Унинг мақсади тадбиркорликни барқарор ривож топиши учун қўлай иш муҳитини яратишга кўмак беришдан иборат.

Бизнес Форум лойиҳаси бир йилдан зиёдроқ фаолияти давомида қатор тадбирлари билан мамлакатимиз ҳаётида фаол иш юритмоқда. Чунончи, унинг эксперт кенгашлари тузилди, экспорт фаолиятига оид қўлланма нашр қилинди.

Шунингдек, тадбир қатнашчилари божона маъмурияти тизимини янада яхшилаш, солиқ ислохотларини амалга оширилиши ҳолати, хусусий секторнинг статистик маълумотлардан хабардорлик даражасини кўтариш ҳамда кооперация ва ҳамкорликка асосланган қишлоқ ҳўжалиги иқтисодийотини кўтариш мавзусида маърузалар тинглашди.

Давра суҳбати давомида фикрлар алмашинди, мамлакатимизда хусусий секторни ривожлантириш муаммоларини ҳал этишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилди.

«Туркистон-пресс»

## XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН  
СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

- Зафаробод туманида бўлиб ўтган очик мулоқот Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий кўлаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонидан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланди.
- Қашқадарё вилояти пиллакорлари қабул пунктларига 2408 тонна қимматбаҳо саноат хом ашёси топшириб, шартнома мажбуриятини бажарди. Жорий йилда воҳада 52904 Күти ипак қурти парваришланди. Шахрисабз, Күтиб, Яққабоб, Қарши, Косон туманлари пиллакорлари умумий хирмонга салмоқли ҳисса қўшди.
- Жиззах политехника институти маъмурияти ҳамда вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ҳамкорлигида юқоридаги институтда ўтказилган бўш иш ўринлари ярмаркасида вилоятдаги барча йирик корхона ва ташкилотлар иштирок этди. Ушбу ярмарка давомида 222 нафар битирувчи ўз соҳаси бўйича ишга жойлаштирилди.
- Тошкент вилояти ҳокимлигида хотин-қизлар кўмитаси, «Жамдўстлик» клуби ва Миср Араб Республикаси элчихонаси ҳамкорлигида «Миср — болалар нигоҳида» номли санъат асарлари танлови ўтказилди.
- Бутунжаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кун муносабати билан Бўстонлик туманидаги «Оқтош» оромгоҳида «Оқтошни асрайлик!» ҳамда «Табиат бу — ҳаёт» мавзуларида тадбирлар ўтказилди.
- Термиз шаҳрида жисмоний имконияти чеklangан иқтидорли болаларни кўлаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида ташкил этилган «Мафтункор ранглар дунёси» кўрик-танловининг вилоят босқичи якунланди.
- Янгийўл шаҳар боғида татар миллий байрами — Сабантўй бўлиб ўтди. Байрамда Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги элчихонаси вакиллари ҳам қатнашиб, шаҳар татар маданият марказига тарих ва маданиятга оид китоблар топширишди.
- Наманган тумани ёшларининг Тошбулоқ шаҳарчасидаги маданият саройида ўтказилган форуми «Айттил, дўстим, нима қилдик Ватан учун?» деб номланди.
- Хивада республика Фавкулдада вазиятлар вазирлиги ва Фанлар академиясининг Зоология институти ҳамда Хоразм Маъмур академияси ҳамкорлигида «Термитлар: муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари» мавзусида семинар-тренинг ўтказилди.

### ЖАҲОНДА

- Кеча АКШ Президенти Жорж Буш Чехияда мамлакат Президенти ва Бош вазири билан Чехияга ракетага қарши мудофаа тизимини ўрнатиш юзасидан музокаралар олиб борди. Айтиш керакки, сўнгги сўровларга кўра Чехиянинг 60 фоиздан ортиқ аҳолиси бунга қаршидир. Музокаралардан сўнг Ж.Буш жаҳон миқёсидаги демократия ва хавфсизлик масалаларига бағишланган матбуот анжумани ўтказди.
- Бугун Германия шимолидаги Хайлигендам шаҳрида «Катта саккизлик» саммити ўз ишини бошлайди. Таъкидлаш жоизки, саммит иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш ишларига 16 минг нафар полициячи жалб этилган.
- Ироқда жангарилар 12 май кунини Маҳмудия шаҳрида гаровга олинган америкалик уч ҳарбийнинг қатл этилганини маълум қилишди.
- Кеча ўтган йили амалга оширилган мураккаб операциядан сўнг илк бор Куба давлат раҳбари Фидель Кастронинг ойнаи жаҳонда журналистлар билан интервьюси намойиш этилди. Кастронинг соғлиги яхшиланиши тўғрисида таъкидланса-да, бироқ унинг давлатни бошқариш вазифасига қачон қайтиши айтилаётгани йўқ.
- Россия Ҳиндистондан гуруч, кунжут ва ер-ёноқ келтиришни тақиқлаб қўйди. Бунга сабаб жорий йилнинг ўтган ойларида Ҳиндистондан келтирилаётган 200 тоннага яқин ер-ёноқ ҳамда гуручининг инсон саломатлигига салбий таъсир этганининг аниқланиши бўлди.
- ЭТА айирмачилар гуруҳи Испания ҳукумати билан эришилган тинчлик битимини бекор қилишни билдирди. Кузатувчиларнинг ҳавотирига кўра, ушбу баёнотдан сўнг ЭТА жангарилари оммавий террорчилик ҳаракатларини содир этишлари мумкин.
- Ливанда яна жанговар ҳаракатлар бошланди. Ҳукумат армияси Триполи шаҳри чеккасидаги Фаластин жангарилари беркинган қочқинлар лагерига ҳужум уюштирди. Ҳарбий ҳаракатлар натижасида ФАТХ гуруҳининг 19 нафар жангариси йўқ қилинди.
- Хитойда дунёдаги энг узун кўприк қурилиши бошланди. Узунлиги 36 километр ташкил этувчи ушбу кўприк лойиҳаси қиймати 1,6 миллиард долларга баҳоланмоқда. Ушбу кўприкнинг 2008 йилда ишга туширилиши мўлжалланмоқда.
- Камчаткада кучли сел оқимлари натижасида «Гейзерлар водийси» номли ноёб табиий қўриқхона вайрон бўлди. Кучли қор эриши натижасида ҳосил бўлган сел оқимлари водийда катта қўлни вужудга келтирди бўлиб, унда сув сатҳи тобора кўтарилиб бормоқда.

### ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология хизмати марказининг маълум қилишича, 7 июнь кунини Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, кечқурун қисқа муддатли ёмғир ёғиб, момақалдирққ бўлиши мумкин. Фардан секундида 5-10 метр тезликда эсаётган шамол момақалдирққ пайтида кучайиб, секундида 12-15 метрга етади. Кечаси 14-16, кундузи 30-32 даража иссиқ бўлади.

# Инсон ва қонун

Шу боис ҳам барча изчил ислохотларнинг асосий негизда инсон омили туришига, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатлишига алоҳида аҳамият қаратилди. 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституцияда ижтимоий адолат принципининг асосий ўрнида туриши ҳам бу борада муҳим аҳамиятга эга. Асосий Қомусимиз давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарнинг васийлигиндан маҳрум бўлган болаларни боқиб, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлаш, оналик ва болаликнинг давлат томонидан муҳофаза қилинишини кафолатлайди.

Конституцияда жамики дунёвий неъматлар орасида энг улуги—инсон деган фикр илгари сурилди. Шундай экан, ўз-ўзидан «барча нарса ва имкониятлар аввало инсон учун» деган мантқиқ хулоса келиб чиқиши учун ҳуқуқий замин яратилди. Асосий Қонуннинг демократик жамиятнинг қарор топишига қўшган қатта ҳиссаси шундан иборатки, у маҳвум жамият ёки умуман халқнинг эмас, балки муайян инсоннинг эҳтиёжлари, манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларига қаратилган. Дарҳақиқат, бугунги кундаги жамики саъй-ҳаракатлар инсон ва унинг камолотини, салоҳиятини рўёбга чиқаришга қаратилган. Юртобимиз томонидан 2007 йилнинг «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилиниши ҳам фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш асосий вазифа сифатида турганлигини яна бир қарра тасдиқлади. Хозирда Конституция асосида фуқароларнинг барча ҳуқуқ ва эркинликларини, жумладан, ижтимоий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, кафолатлаш мақсадида амалга оширилаётган изчил ислохотларнинг асосий мақсади ишлаб чиқарилаётган жорий қонунлар, ҳуқуқий ҳужжатларнинг миқдорига эмас, балки сифатига асосий эътибор қаратиш лозимлиги давр талаби бўлиб қолмоқда.

Конституциянинг 39-моддасида: «Хар қим қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга».

Пенсиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдам бошқа турларнинг миқдори расман белгилаб қўйилган тирикчилик учун зарур энг

кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас» деб белгиланган. Ушбу қонда муҳим демократик қонун бўлиб кўплаб ривожланган мамлакатлар конституцияларида ҳам учрайди.

Ўзбекистон давлатчилигининг асосий тамойилларидан бири ҳам—қўнғил ижтимоий сийёсат юргизиш ҳисобланади. Яъни давлат

## Қонунларимизда ўрганамиз ИЖТИМОЙ ҲИМОЯНИНГ АСОСИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ДАСТАВКИ ЙИЛЛАРИДАНОҚ ҲУҚУҚИЙ ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ, ЭРКИН ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ БАРПО ЭТИШНИ ЎЗ ОЛДИГА АСОСИЙ МАҚСАД ҚИЛИБ ҚЎЙДИ.**

пенсиялар, нафақалар ва бошқа моддий-ижтимоий ёрдамни таъмин қилишни кафолатлайди.

Конституциянинг ушбу нормаси Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига, «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»-ги, «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»-ги қонунларида ва бошқа қонун ҳужжатларида янада тўлдирилган. Уларга қўра, Ўзбекистон Республикасида ҳар қим қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эгадир.

Ўзбекистон Республикасида давлат пенсияларининг қўйидаги турлари мавжуд: ёшга доир пенсия, ногиронлик пенсияси, боқувчисини йўқотганлик пенсияси.

Ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқи эркакларда—60 ёшга тўлганда иш стажлари камида 25 йил бўлганда, аёлларда—54 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида йигирма йил бўлган тақдирда вужудга келади. Фуқаролар пенсия олиш ҳуқуқи пайдо бўлганда сўнг исталган пайтда пенсия таъинлаш шўра мурожаат этишлари мумкин. Давлат пенсияларининг турли хилларини

олиш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларга уларнинг ўзлари танлаган битта пенсия тайинланади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган рўйхатларга мувофиқ фуқароларнинг айрим тоифалари имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ногиронлик пенсиялари меҳнат қобилияти тўлиқ ёки қисман йўқотилган ҳолларда тайинланади.

Боқувчисини йўқотганлик пенсияларини олиш ҳуқуқига вафот этган боқувчининг қарамоғида бўлган меҳнатга қобилиятсиз оила аъзолари эгадирлар. Бунда фарзандларга ва белгиланган шахсларга пенсия улар боқувчининг қарамоғида турган турмаганидан қатъи назар тайинланади.

Марҳумнинг қарамоғида турмаган ота-онаси ва эри (хотини) ҳам, кейинчалик кун кечириш учун зарур маблағ манбаидан маҳрум бўлиб қолсалар, пенсия олиш ҳуқуқига

эга бўладилар. Вафот этганлар оилаларига тааллуқли ҳамма қондалар бедарак йўқолганларнинг оилаларига ҳам, агар боқувчининг бедарак йўқолганлиги белгиланган тартибда тасдиқланган бўлса, тегишли равишда жорий қилинади.

Қонунда белгиланган оила аъзолари, агар улар марҳумнинг тўлиқ боқувчида бўлган ёки ундан ёрдам олиб турган бўлсалар, бу ёрдам улар учун доимий ва асосий кун кечириш маблағининг манбаи ҳисобланган бўлса, марҳумнинг қарамоғида турган деб ҳисобланадилар.

Марҳумнинг бирон турдаги пенсия олаётган оила аъзолари, агар марҳумнинг ёрдами улар учун доимий ва асосий кун кечириш маблағининг манбаи ҳисобланган бўлса—боқувчисини йўқотганлик пенсиясига ўтиш ҳуқуқига эгадирлар.

Энг муҳими, Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»-ги қонунига мувофиқ туланадиган пенсияларга солиқ солинмайди.

Хозирда ижтимоий таъминотнинг ҳуқуқий асосларини кафолатлаш борасида олиб бо-

риладиган ислохотлардан бири сифатида фуқаролар жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимида ҳам иштирок этишлари жорий этилди. Унга қўра, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий ашовчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар жамғариб бориладиган пенсия таъминоти олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олинаётган фуқароларга Халқ банки умрбод қилиб белгиланган, доимий шахсий тартиб рақамли шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари очилди. Фуқаронинг жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш ҳуқуқини тасдиқловчи жамғариб бориладиган пенсия дафтарида фуқарога шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб ва рағами очилганидан кейин Халқ банки томонидан берилди. Жисмоний шахсларнинг қонун ҳужжатларида мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган даромад солигининг тегишлича камай-тирилган суммаси ҳисобига жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадалларини иш берувчи ҳар ойда тўлаб боради. Халқ банки шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб варақларидаги маблағларга пул кадрисизлишига нисбатан юқори суръатлардаги ставкалар бўйича фоизларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисоблаб қўшади. Мазкур тизимда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлишга жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб варақларида мустақил равишда қўшимча бадаллар қиритишга ҳақлидир. Ушбу пенсия бадалларидан, фоизлардан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар олинмайди. Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини фуқаро белгиланган тартибда давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи юзага келган пайтдан олиши мумкин. Фуқаро вафот этган тақдирда ушбу маблағларни олиш ҳуқуқи унинг меросхўрларига ўтади.

Мамлакатимизда фуқароларни ижтимоий ҳимоялашнинг ҳуқуқий асосларини тақомиллаштириш борасида олиб бориладиган ислохотлар изчилликда давом этмоқда. Яъни кам таъминланган, боқувчисини йўқотган фуқароларни, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш мамлакатимизда давлат сийёсати даражасида амалга оширилмоқда. Бу эса ўз навбатида мамлакатимиз ривожига муҳим аҳамият касб этади.

**Абдували АБДУЛЛАЕВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Адлия вазирлиги Тadbirkorлар**  
**ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқар-**  
**маси бўлиб бошқари**  
**Аъзамон САРАБЕКОВ,**  
**Тadbirkorлар ҳуқуқларини ҳимоя**  
**қилиш бошқармаси ходими**

## Иқтисодиёт

### Алюмин радиаторлар

**РАДИАТОРЛАРНИНГ СИФАТИ АЛБАТТА, ЮҚОРИ ИССИҚЛИК УЗАТИШГА, МЎСТАҚАМЛИГИГА, КЎП ЙИЛЛАР ХИЗМАТ КЎРСАТИШИГА, ЎРНАТИШГА ҚУЛАЙЛИГИГА БОГЛИКДИР.**

«DEKORIMEX» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган алюмин радиаторлари ана шундай афзалликларга эга бўлиб, истезъмолчи талабини тўла қондиради. У бугунги кунда республикамизда пўлат ва алюминдан радиатор маҳсулотлари тайёрловчи ягона корхона саналиб, ўз маҳсулотлари сифати ва рақобатбардошлигини таъминлаш учун замонавий техника ва технологиялардан самарали фойдаланади.

—Корхонамиз республика қурилиш индустрияси ва қурилиш материаллари бозорига етакчи ўрин эгаллашни ўз олдига мақсад қилган,—дейди менежер Умид Худойберганов.—Биз ишлаб чиқарилаётган алюмин радиаторлар иситиш жиҳозлари тайёрлашда янги қадам бўлиб, улар бошқа иссиқлик тизимларидан бир қатор афзалликлари билан ажралиб туради. Биринчидан унинг кўриниши чиройли, бугунги замонавий безатиш талабига жавоб беради, харидор эҳтиёжини қанақалиб чиқиб турли хажми ва даражанда ишлаб чиқарилади. Буюртмачи талабига қўра радиаторлар ҳар бир хонадон пардозига мослаш учун турли рангларга бўйб беришимиз мумкин. Айна пайтда «ALUCAM» деб номланган радиаторларимиз 330,530,630 ва 830 миллиметр балангликда, оқ, қизил, кулранг ва қўқ рангларда ишлаб чиқарилмоқда.

Корхона тadbirkorлари айна пайтда қурилиш-монтаж ташкилотлари, фирма ва компаниялар, улгуржи савдо шохобчалари билан ҳамкорликда ишламоқда.

## Йодланган мақоронлар тайёрланади

**ИЧКИ БОЗОРНИ ЎЗЛАРИНИНГ СИФАТЛИ ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАЁТГАН «MAKIZ BARAKA» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ТАДБИРКОРЛАРИ ЯҚИН КЕЛГУСИДА ИНСОН ОРГАНИЗМИДА ЙОД ЭТИШМАСЛИГИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА ФОЙДА КЕЛТИРАДИГАН ЙОДЛАНГАН МАҚАРОНЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ КЎЗДА ТУТМОҚДА.**

Хозирги кунда ана шу маҳсулотни ишлаб чиқаришга жорий этиш, харидорларга етакчи бериш ва юртимиз аҳолиси саломатлигини мустақамлашга ҳисса қўйиш йўлида изланишлар давом этмоқда. Корхона фаолияти хусусида тўхталадиган бўлсак, фаолият бошлаганига ҳали кўп вақт ўтмаган ушбу жамоа ахли мақорон маҳсулотларини сифатли ва аҳоли эҳтиёжига мос кадокланган ҳолда етакчи беришда етакчи ўрин эгаллаган. Хозирда бу ерда 25 турдаги мақоронлар ишлаб чиқарилмоқда.

—Хорижий ҳамкорлар билан ишлашни яхши йўлга қўйганлигимиз боис,—дейди корхона раҳбари Нурилла Содиқов,—уларнинг тажрибаларидан, илгор технологияларидан самарали фойдаланаямиз. Ишлаб чиқаришда Германия, Италия, Россия сингари давлатларнинг юксак унумли линия ва дастгоҳлари бизга кўл келмоқда. Келгусида эса маҳсулот турларини янада кўпайтириш, экспортни йўлга қўйишни ният қилган ҳолда хориж инвестициясини жалб этишга ҳаракат қилаямиз.

Шарофат БАХРОМОВА

## Орол мавзуси халқаро анжуман кун тартибиди

**ВЕНА ШАҲРИНИНГ «ХОФБУРГ» КОНГРЕССЛАР ЗАЛИДА ОРОЛ ДЕНГИЗИ ҲУДУДИНИНГ ЭКОЛОГИК ҲАМДА ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИГА БАҒИШЛАНГАН ХАЛҚАРО АНЖУМАН БЎЛИБ ЎТДИ.**

У Ўзбекистоннинг Австриядаги элчихонаси кўмагида мазкур мамлакатнинг Бруно Крайски номидаги «Халқаро мулоқотлар» форуми ва «Экосан» жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тadbirkor Австриянинг вазирилик ва идоралари, халқаро ташкилотлар, академик ва ишбилармон доиралар, дипломатия ваколатхоналари вакиллари, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш масалалари билан шуғулланувчи мутахассислар ва журналистлар иштирок этди.

Анжумани ўтказишда қўлланган асосий мақсад Европа жамоатчилиги эътиборини Орол муаммоси масалаларига қаратиш, ҳудудни иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш ва экологик вазиятни яхшилаш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан ўзаро ҳамкорлигини мустақамлаш билан изоҳланади.

Тadbirkor иштирокчилари ўз чиқишларида Орол денгизи ҳудудидаги экологик вазиятни яхшилаш, Амурдарё ва Сирдарё сувларидан тежамкорлик билан фойдаланиш, бу борада халқаро ташкилотлар билан яқин ҳамкорлик қилиш зарурлиги хусусидаги фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашди.

Австриялик таниқли эколог олим, профессор Ханс Питер Нантебель мазкур учрашувнинг муҳимлигини таъкидлар экан, мавжуд сув манбаларидан оқилона фойдаланган ҳолда Оролнинг хозирги ҳолатини сақлаб қолтиш учун барча имкониятларни ишга солиш зарурлигини кайд этди.

—Бу борада чегарадош давлатларнинг сув ресурсларидан фойдаланишда ўзаро мақбул бошқарувга эришиши жуда муҳимдир, деди у. — Бундай тажриба Марказий Европада яхши йўлга қўйилган. Биз учун жуда қатта аҳамиятга эга бўлган Дунай дарёси сувларидан Европанинг 14 мамлақати унумли тарзда фойдаланиб келмоқда. Ўйлайманки, Марказий Осиё давлатлари ҳам бу тажрибадан самарали фойдаланади.

«Экосан» жамғармаси мутахассислари Австрия ишбилармон доиралари, сармоядорлар ва банк тизими вакилларининг диққат-эътиборини минтақадаги мавжуд сув манбаларини сақлаш ва ҳудуд иқтисодиётини ривожлантириш кўзда тутивчи лойиҳа ва дастурлар билан таништиришга қаратар экан, уларни бу борада фаол иштирок этишга қачирди. Форум давомида мазкур муҳим масалалар юзасидан ҳар томонлама ҳамкорлигини йўлга қўйишга келишиб олинди.

«Жаҳон» АА  
Вена



Юртимиз осмони, ҳудудимиз тинчлиги посбонлари ҳамиша эл орасида, хизмат постидида сергак турадилар.  
**СУРАТДА:** Учтепа туманидаги «Бекобод» маҳалласида жойлашган 4-милиция таянч пункти катта профилактика инспектори капитан Муҳаммад Жабборов маҳалла фаоллари билан хавфсизлик, тинчлик-осойишталикни сақлаш учун ҳамиша огоҳ бўлиш лозимлиги ҳақида суҳбатлашмоқда.

Ҳажимжон Солиҳов олган сурат

## Қарор ва ижро

### ИМКОНИЯТДАН УНУМЛИ Фойдаланайлик

**КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА БАРЧА СОҲЛАРДА БЎЛГАНИ КАБИ АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ СОТИБ ОЛИШ, УЛАРДАН Фойдаланиш ва АҲОЛИГА НАМУНАЛИ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ БЎЙИЧА ҲАМ БИР ҚАТОР ҚОНУНЛАР ВА ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ. ХУСУСАН «АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ СОТИБ ОЛИШ, УЛАРДАН Фойдаланиш ва УЛАРНИ БОШҚА ШАХСГА БЕРИШНИ ТАРТИБГА СОЛИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР Тўғрисида»-ги ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2006 йил 7 мартдаги ҚАРОРИ ФикримиЗ ДАЛИЛИДИР.**

Автотранспорт воситаларини сотиб олиш, улардан фойдаланиш ва уларни бошқа шахсга беришни ҳамда уларни расмийлаштиришни янада тартибга солиш, автотранспорт воситалари билан битишувларни амалга оширишда фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш ҳамда жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқ-тартиботни мустақамлаш каби бир қатор хайрли мақсадлар кўзда тутилган ушбу қарор ижроси бўйича бугунги кунгача бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан автотранспорт воситалари ҳайдовчилари ўртасида юқоридаги қарорнинг маъно-мазмунини тушунтирилди, суҳбатлар уюштирилиб кенг оммага етказишга ҳаракат қилинди.

Шу йилнинг май ойида эса ушбу қарорнинг янада тўлиқ амалга оширилишини таъминлаш, шунингдек, автотранспорт воситалари эгалари ва ҳайдовчиларнинг сўровлари, истақлари ҳисобга олиниб Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Автотранспорт воситаларидан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш ҳуқуқига ишончномаларни гербли (маҳсус) бланкларда қайта расмийлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги қарори қабул қилинди.

Мазкур қарорда автотранспорт воситаларидан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш ҳуқуқи 2006 йил 1 июлгача берилган ишончномаларни гербли (маҳсус) бланкларда қайта расмийлаштириш учун қўшимча имконият берилди ва кўрсатиб ўтилган ишончномаларни гербли (маҳсус) бланкларда қайта расмийлаштириш 2007 йил 1 июлгача амалга оширилди. Ва бу хизмат учун давлат божи ундирилмайд.

Қайта расмийлаштириш учун ишончнома ишонч билдирувчи ёки ишончли вакил томонидан паспорт кўрсатилгани ҳолда олдин расмийлаштирилган нотариал идорага тақдим этилган ҳолда амалга оширилди.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, гербли (маҳсус) бланкларда қайта расмийлаштирилган ишончномалар билан автоматотранспорт воситаларини бошқаришга йўл қўйилмайди.

Шундай экан ҳурматли автотранспорт воситаси эгалари ва ҳайдовчилар, ушбу имкониятдан фойдаланиб турли кўнглисизликларнинг олдини олиш йўлида қонунларимизга оғишмай амал қилайлик.

**Улугбек СОБИРОВ,**  
**Юнусобод тумани 7-давлат**  
**нотариал идораси нотариуси.**

## — ДУНЁДА ЭНГ УЛУГ НЕЪМАТ НИМА? — ДЕБ СЎРАШГАНДА, ДОНИШАМАНДЛАРДАН БИРИ «ИНСОН УЧУН ФАРЗАНДАН АЗИЗРОК НЕЪМАТ БЎЛМАСА КЕРАК», — ДЕБ ЖАВОБ БЕРГАН ЭКАН.

Дарҳақиқат, фарзандларимизнинг бахтиёр чехраси-ю, шўх кулгусини эшитиш ҳар қандай ота-она учун бахт эканлигини биламиз. Уларни ҳар томонлама соғлом, бақувват, ўсиб улғаяётганлигини кўрсак беҳад севинаямиз. Ана шу бахтиёрлигимиз сабабчилари бўлган болаларга муносабат ва эътибор дунё миқёсида ўзгарди. Болалар ҳам катталар сингари ижтимоий-сийёсий ҳуқуқларга эга эканлигини кўтчилик англаб етди. Бунга эса ана бўлди.

БМТ 1989 йил болалар ҳуқуқини ҳимоя қилувчи Халқаро Конвенция қабул қилган эди. Айна пайтда эса унга дунёнинг барча давлатлари қўшилган. Ўзбекистон Республикаси ҳам ушбу Конвенцияни 1994 йили тасдиқлади.

Хозирда мамлакатимизда болаларга, келажагининг ворисларига кўрсатилаётган эътибор, меҳр-муҳаббат ҳақида ҳар қанча гапириш мумкин. Уларнинг соғлом вояга етишлари, илм олишлари, касб-ҳунар ўрганишлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё. Болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари қонун билан кафолатланган.

Ота-онанинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бола туғилиши билан юзага келади. Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»-ги Конвенцияда, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида, Оила кодекси ва бошқа қўллаб ҳуқуқий ҳужжатларда батафсил баён этилган.

Оила кодексига ота-она ўз мажбуриятларини лозим даражада бажармагани учун уларга нисбатан ҳуқуқий санкциялар: ота-оналик

## Ёшлар — келаганимиз

### БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ — ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

ҳуқуқидан маҳрум қилиш (79-модда), ота-оналик ҳуқуқини чеклаш (83-модда), фарзандликка олишни ҳақиқий эмас деб топиш ва бекор қилиш тартиби (171-модда), алиментни суд тартибидида ундириш (136-модда) каби қарорлар белгиланган. Вояга етмаган ёки етган, меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож болаларга алимент тўлаш ҳақидаги суднинг ҳал қилув қарорини бажаришдан бўйин товланган шахслар Оила кодексининг 79-моддасига асосан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши ёки жиний жавобгарликка тортилиши мумкин. Шунингдек, Жиноят кодексида, вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларнинг моддий таъминлашдан бўйин товланганлиги учун ота-онага жиний жавобгарлик белгиланган. (Жиноят кодекси 1122-модда).

Ота-она мажбуриятдан бош тортиш, жумладан вояга етмаган болаларга алимент тўлаш мажбуриятидан бўйин товланган, узрси сабабларга қўра боласини тўғруқондан ёки бошқа даволаш, тарбия, аҳолини ҳимоя қилиш муассасаларидан олишдан бош тортиш, ота-оналик ҳуқуқини суистеъмол қилган болаларга шафқатсиз муомалада бўлган, муттасил ичкикибозлик ёки гийб-вандликка мубало бўлган, ўз болалигининг ҳаёти, соғлиғига ёки эри (хотини)нинг ҳаёти ёки соғлиғига қарши қасддан жиноят содир қилган ота-она ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин.

## Осоишталик посбонлари

### ХИЗМАТИ ЭЛГА МАНЗУР

**МАҲАЛЛАЛАРДАГИ ТИНЧЛИК-ТОТУВЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ, СОДИР ЭТИЛИШИ МУМКИН БЎЛГАН ЖИНОЯТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА МИЛИЦИЯ ТАЯНЧ ПУНКТЛАРИДА ХУШЎРЛИК БИЛАН ИШ ОЛИБ БОРАЁТГАН ИЧКИ ИШЛАР ТИЗИМИ ҲОДИМЛАРИНИНГ ҲИССАСИ ҲАМ САЛМОҚЛИДИР.**

Шайхонтоҳур туманидаги «Сарҳумдон» маҳалласида жойлашган 358-милиция таянч пункти профилактика катта инспектори, майор Олим Маматов, профилактика инспектори, катта лейтенант Алишер Раҳимов ва профилактика инспектори, лейтенант Акмал Хўжаевлар билан суҳбатлашганимизда юқоридаги фикрлар қанчалик тўғри эканлигини яна бир қарра англадик.

—Маҳалламизда 6.000 га яқин аҳоли истиқомат қилади,—дейди Олим Маматов.— Ҳар бир оилада тинчлик-осудалик сақланиши, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар содир этилмаслиги, жиноятга мойиллиги бор ёки турли ноқонуний оқимларга қўшилиб кетишларнинг олдини олишда профилактика инспекторларининг аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини тўғри олиб боришлари катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлашга ҳам бўлади. Биз ҳам маҳалламизда имкон борича осойишталикни сақлаш, вояга етмаганлар билан тарбиявий ишларни олиб бориш, ўқиш ва иш билан банд бўлишларига эътиборни қаратганимиз. Ёшларимизнинг бўш вақтларини бекор ўтишига йўл қўймадик, уларни соғлом

турмуш тарзига жалб этиш ҳам бизнинг биринчи галдаги вазифаларимиздан биридир. Албатта, бунда «Сарҳумдон» маҳалласи фуқаролар йигини раиси Мирҳосил ака Мансуров, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Фазилат опа Саидова, хотин-қизлар комиссияси раисаси Мавлуда Алимова, 10 нафар посбонга сардорлик қилаётган Руслан Умаров ва фаоллар қиёндан ёрдам бериб, таълим-тарбия борасида ҳамкорликда иш олиб бормоқдалар.

—Вазифамиз нафрат жиноятларнинг олдини олиш, балки турли кўнглисиз ҳодисаларнинг ҳам содир этилишига йўл қўймадик,—дейди Алишер Раҳимов.— Ички ишлар тизимида етти йилдан бери фаолият юрилтаётган бўлсам, кейинги йилларда бўлаётган ўзгаришлар, ислохотлар ишимиз унумига катта таъсир кўрсатмоқда. Ўсиб келаётган ёшларни ватанпарвар, ўз юртига муносиб авлод бўлиб вояга етишларига кўмаклашиш зиммамиздаги энг масъулиятли ишлардан биридир. Йилдан йилга маҳалламизда жиноятлар сонининг қисқариб бориши ишларимиз қ



03-03 ўрганиб домо бўлур...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ

ҲИКМАТЛАР

Гар хаёл кўнглинг аро жо бўлгуси, Кайга борсанг, сенга ҳамроҳ бўлгуси.

Боққи, дўстинг чун анису меҳрибон, Унга зид келсанг магар, бўлгай илон.

Сен ҳақир боқма азизга ҳеч қачон.

Бахтлидир ул кимса—нафсин хор этар, Вой улким, хирсини гулзор этар.

Деди бир ошиққа маъшук; эй фато, Шахру кўй кўрдинг баса гурбат аро.

Кайси ул дунёда энг афзал эрур? Деди: улким, маскани дилбар эрур.

Кайдаким ер тутса Юсуфдек санам, Бизга жаннатдир ўшал, чоҳ бўлса ҳам.

Ўйламасдан тутма йўл девонадек, Ўтга урма ўзни сен парвонадек.

Баски, ҳар бир нарсада бир хосият, Ҳар сифатда мавжуд ўлгай моҳият.

Илму донишдин кўриш афзал магар, Ул сабаб мардумга дунё—жилвагар.

Ақлу оқилни қазо аҳмоқ этар.

Неча юз сеҳру фусун айлар қазо.

Қатрамен, дарёга етсам менга бас.

Бас, мушуклар бирла куршалмиш қафас, Қуш кўриб, чиқмоқни орзу айламас.

Марг—мушукдир, дард—унинг чангалидир, Чангали остиди парру болидир,

Оқибат бошинга келгайдир ажал, Дер: неча муҳлат сўрайдирсан, уял!

Йўл кўрингай бошда энгил ҳам қулай, Лек машаққатлар кейин келгай талай.

Кимсалар борким, санарлар ўзни эр, Лек саваш чоғи бўлурлар мисли ер.

Ишдан олдинги хаёл осон бўлур, Ҳар неким яхши-ёмон осон бўлур.

Шер эмассан, бехуда кўрсатма бўй, Чун ажал—оч бўри, жонинг —мисли кўй.

Сен ўзингни шер билурсен, шовмагил, Овлағум арслон, деб ҳаддин ошмагил.

Гар гувоҳ йўқ эрса, даъвойинг табоҳ.

Ул жафолар сенг эрмас, эй жигар, Ул ёмон феълнингга оташдир магар.

Гар мусофир йўлни билмас, чун эмиш, Кўнгли захматлар чекиб, пурхун эмиш.

Гар биров йўл йўқ у ёққа деса, бас, Тош бўлиб йўл узра қотгай шул нафас.

Душманинг бордир ичингда бегумон, Ақлу идрокнингга монёв, хасми жон.

Ҳамла айлаб, жонга андоқ ниш урар, Сўнгра сусмардек кавакка беркинар.

Кўнгли ичра бор кавакларким чунон, Ҳар кавакдин бош чиқаргай ҳар замон.

Ул сабаб сен ўғри бўлдинг, нобакор, Эл аро қахру газабларга дучор.

Сеҳр улким, тоғни ҳам хас айлағай, Хасни тоғдек боруваст айлағай.

Бул азим саҳрода битгайдир захар, Лек унинг ёнида тарёк ҳам ўсар.

Кимки кўргай бир атога юз эваз, Ўзни урғай ул ўйинга, тўхтамас.

Мол бериб, бир манфаат келгаймикан, Деб ҳамма шу каттакон бозорга банд.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

ПОЙТАХТАДАГИ "ГАП" КАФЕСИДА "СПОРТ" ГАЗЕТАСИНING ТАШКИЛ ТОПГАН КУНИ ҲАМДА "ОММАВИЙ СПОРТ ТАРИБОТИДА ЖУРНАЛИСТЛАРИНИГ ЎРНИ" МАВЗУИДА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИР БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА СПОРТ СОҲАСИДА ҚАЛАМ ТЕБРАТАЁТГАН ФАОЛ ЖУРНАЛИСТЛАР ТАҚДИРЛАНДИ.

Кейинги йилларда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш мақсадида жисмоний тарбия ва спортни кенг миқёсда ривожлантириш устувор масалалардан бирига айланди. Юртимиз спортчиларининг турли халқаро беллашуварда, Олимпиада ўйинлари ва Жаҳон биринчилиги мусобақаларида юқсак натижаларга эришяётгани, жаҳон андозаларига мос мушташ спорт мажмуалари, замонавий стадион ва кортлар барпо этилаётганлиги, ўқувчи ва талаба-ёшлар ўртасида уч босқичдан иборат "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва "Универсиада" ўйинлари тобора оммалашиб бораётгани мамлака-

тимизда спортга бўлган эътиборнинг ортиб бориши натижасида ушбу ютуқ ва муваффақиятларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш, спорт турлари бўйича таҳлилий мақолалар чоп этиш, кўрсатув ва эшиттиришлар тайёрлаш спорт журналистлари олдида турган муҳим вазифадир.

"Спорт" газетаси тахририяти томонидан "Оммавий спорт тариботида журналистларнинг ўрни" мавзусидаги маънавий-маърифий тадбирни ва энг фаол спорт журналистларини тақдирлаш маросимини ташкил этишдан мақсад ҳам ушбу вазифаларни изчил ижро этишга қаратилган.

Маълумки, мазкур газета 1932 йил 2 июнда ташкил этилган бўлиб, республикамиз матбуот нашрлари ичида ўз ўрнига эга. Айниқса, мустақиллик йилларидан бошлаб унинг мақсад ва йўналишлари, мазмун-моҳиятида туб бурилишлар юз берди. Газета истиқлол туфайли жаҳонга ўз салоҳиятини кенг на-

мойиш қилаётган Ўзбекистон ва унинг ғолиб спортчиларини ўз саҳифаларида изчил ёритиб келмоқда.

Тахририятда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Миллий Олимпия қўмитаси билан ҳамкорликда Вазирлар Маҳкамасининг "Оммавий спорт тариботини янада қучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги қарориди вазифаларни бажариш юзасидан амалий ишлар белгилаб олинган. Қарорнинг 8 ва 9-андликларида белгиланган ижодий жамоаларга малакали ихтисослашган спорт журналистларини жалб этиш, уларнинг самарали фаолият юритиши учун тегишли шароитлар яратиб бериш, оммавий спорт тариботи бўйича алоҳида фаоллик кўрсатган журналистларни рағбатлантириш юзасидан муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Мазкур тадбирда ҳам қарор ижросини таъминлаш ва спорт журналистлари олдида турган муҳим масалалар муҳокама қилинди.

Шундан сўнг спорт соҳасини яхши ёритаётган бир қатор журналистлар фахрий ёрлик ва қимматбахо совғалар билан тақдирланди. Улардан "Ўзбекистон овози" газетаси бош муҳаррири Сафар Остонов, "Наврўз" телерадиоканалининг таниқли футбол шарҳловчиси, кўплаб спорт журналистларига устозлик қилган Ахбор Имомхўжаев, "Халқ сўзи" газетаси муҳбири Зиёдулла Жонибеков, "Ўзбекистон овози" газетаси муҳбири Эркин Холбобоев, "Спорт" ҳамда "Ўзбекистон футбол" газетаси муҳбири Олимжон Қўзибоев, "Спорт" телерадиоканалида фаолият олиб бораётган Отабек Эшмаматов ижодлари юқори баҳолашиб "Спорт" газетаси тахририяти томонидан тақдирланди. Тадбирда бошқа бир қатор фотомуҳбир ва журналистлар ҳам фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан муқофотланди.

Рустам ХАЙДАРОВ, "Туркистон-пресс"

ҲАМИЮРТИМИЗ СОВРИНДОР!

РОССИЯНИНГ САНКТ-ПЕТЕРБУРГ ШАҲРИДА СПОРТ ГИМНАСТИКАСИ БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛГАН АНЪАНАВИЙ ХАЛҚАРО ТУРНИРДА МЕЗБОНЛАРДАН ТАШҚАРИ ЎЗБЕКИСТОН, ЛАТВИЯ, ЛИТВА, БЕЛАРУС, МОЛДОВА ҲАМДА УКРАИНАДАН КЕЛГАН КУЧЛИ СПОРТЧИЛАР ҒОЛИБЛИК УЧУН КУЧ СИНАШДИ.

Нуфузли турнирда юртимиз шарафини ҳимоя қилган спортчилардан Луиза Галиулина эркин машқ бўйича ҳакамлар хайъати эътиборига янги дастурни ҳавола қилди ва спорт гимнастикасининг мураккаб элементларини моҳират билан бажариб, халқаро турнирнинг бронза медалига сазовор бўлди.

БАЛЛИ, ЎЗБЕКНИНГ ПОЛВОНЛАРИ!

РОССИЯНИНГ МАХАЧКАЛА ШАҲРИДА ЭРКИН КУРАШ БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛГАН АНЪАНАВИЙ ХАЛҚАРО ТУРНИРДА ДУНЁНИНГ ЎНТА ДАВЛАТИДАН КЕЛГАН 150 НАФАРГА ЯҚИН КУРАШЧИ ҒОЛИБЛИК УЧУН ГИЛАМГА ЧИҚДИ.

Ўзбекистонлик эркин курашчилардан жаҳон ва Олимпиада ўйинлари чемпиони Артур Таймазов 120 килограмм вазн тоифаси финалида россиялик Билал Маховни энгиб, шохсупанинг энг юқори логонасидан жой олди.

Вазни 55 килограмм бўлган курашчилар беллашувида гиламга чиққан яна бир ўзбекистонлик икки қарра жаҳон чемпиони Дилшод Мансуров ҳам мезбонлар вакили Николай Старостин устидан зафар кучди.

74 килограмм вазн тоифасида беллашган ҳамиюртимиз Сослан Тигиев грециялик Эмзари Бединидисни энгиб, терма жамоамиз ҳисобига учинчи олтин медални келтирди.

Терма жамоамизнинг янги аъзоси – Сослан Дақиев эса оғирлиги 84 килограмм бўлган полвонлар баҳсида учинчи ўринни эгаллаб, бронза медал билан тақдирланди.

Нуфузли турнирда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари учта олтин ва битта бронза медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринга лойиқ деб топилди.

Боҳир БЕК

ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ — ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНИ

КЕЙИНГИ ПАЙТЛАРДА ЮРТИМИЗДА БОШҚА СПОРТ ТУРЛАРИ ҚАТОРИ ЭНГИЛ АТЛЕТИКА РИВОЖИГА ҲАМ КАТТА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛАЁТГАНИНИ ЁШЛАР ОРАСИДА СПОРТНИНГ УШБУ ТУРИ ТОБОРА ОММАЛАШИБ БОРАЁТГАНЛИГИДАН ҲАМ БИЛИБ ОЛСА БЎЛАДИ.

Шуниси эътиборлики, ҳар йили энгил атлетика бўйича мамлакат чемпионати мусобақалари, кўплаб турнирлар ўтказиб келинмоқда. Жорий йилда ҳам ушбу анъана бузилмади. Шаҳримизда энгил атлетика бўйича Ўзбекистон чемпионати уюштирилди. Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва мамлакатимизнинг барча вилоятлари жамоалари ўртасида ўтказилган беллашувлар кизиқarli кечди. Муросасиз кечган баҳслар якунида биринчи ўрин Тошкент шаҳри жамоасига насиб этган бўлса, фароналик спортчилар иккинчи ўринни эгаллашди. Жорий йилги мусобақага анча жиддий тайёргарлик кўрган Андижон вилояти спортчилари фахрли учинчи ўрин билан кифояланишди.

Чемпионат якунида ғолиб ва совриндорларга совринлар, эсдалик совғалари топширилди.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

Спорт янгиликлари

СПОРТ ЖУРНАЛИСТЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ



ҚУДРАТЛИМИЗ — КУЧЛИМИЗ

ЯҚИНДА ШҲРИМИЗДАГИ «ГУЛШАН» ИСТИРОҲАТ БОҒИДА ШАҲАР НОГИРОН БОЛАЛАРИНИНГ «КРИДИ» КЛУБИ АЪЗОЛАРИ ИШТИРОКИДА «БИЗ ҲАМ ҚУДРАТЛИМИЗ — БИЗ ҲАМ КУЧЛИМИЗ» ДЕБ НОМЛАНГАН СПОРТ МУСОБАҚАЛАРИ БЎЛИБ ЎТДИ.

— Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан ушбу мусобақани уюштирдик,— дейди Тошкент шаҳар «Криди» клуби кенгаши раиси Замира Бозорова.— Бугунги кунда клубимизда 18 ёшгача бўлган 3000 нафар ёшлар мавжуд. Туманларда эса тўққизта бўлимимиз фаолият юритиб турибди. Дунёга ҳар бир инсон умид билан келади. Яшашдан мазмун ва маъно ахтаради. Шундай ногиронларни биламанки юра олмайди, ҳатто кўрмайди ҳам, аммо жамиятимизда ўз ўрни бор. Уларнинг иқтидори ва истеъдодига тан бермай иложимиз йўқ. Соғлом одамларга қараганда уларда яшашга бўлган иштиёқ жуда кучли деб ўйлайман. Жамиятимизга озми-кўпми ўзларининг улушларини қўшиб келмоқдалар. Изланишдан, ўқишдан ва ўрганишдан асло қарчамайдилар. Бугунги мусобақада эса улар оилалари, яқинлари ёрдамида иштирок этмоқдалар. Бу мусобақани

ташкил қилганимизга икки йил тўлди. Ўтган йили мустақиллигимизнинг ўн беш йиллиги муносабати билан уюштиргандик. Бугун эса, Болалар кунига бағишладик. Инсон доимо яшашга яшаганда ҳам яхши яшашга интилиши лозим, гарчанд у ногирон бўлса. Ушандагина ҳаёт янада мазмунли ва гўзал бўлади.

Дарҳақиқат, спорт соғлиқ гаровидир. Инсонларнинг саломатликларини тиклашда, бардам ва бақувват бўлишда унинг роли беқеъсдир. Ногирон болалар спорт мусобақаси, уларнинг салоҳияти, қобилияти, иқтидори ва кучига қараб беш турда (муайян масофага югуриш, шашка, кўл кучи, теннис ва арқон учиб) амалга оширилди.

Мазкур мусобақанинг ёпилиши катта байрам тантанасига айланиб кетди. Тадбирдан сўнг ёшлар «Гулшан» истироҳат боғи жамоаси томонидан тайёрланган байрам дастурхонига

таклиф қилиндилар. Ҳомий ташкилотлар, «Ҳабиббақ» ва «Марҳамат» кафелари ўзларининг совғаларини «Криди» клуби аъзоларига тақдим қилдилар.

Фурсатдан фойдаланиб мусобақа сўнгида ғолибларнинг фикрлари билан танишишга ҳам муваффақ бўлдик.

Шахло АЪЗАМОВА, 16 ёшда:

— Ушбу мусобақа ва байрам дастурлари менга жуда ёқди. Мусобақада биринчи мартаба иштирок этмоқдаман. Истардимки, шундай мусобақалар тез-тез ташкил қилинса. Югуриш мусобақаси бўйича биринчи ўринни эгалладим ва бундан жуда ҳам мамнунман. Мен ногиронман, бундан баъзида жуда ҳам ўқинмаман. Айниқса ўзим тенги тенгдошларимни кўрганимда. Аммо нима бўлганда ҳам шу ҳаётда яшаш учун имконият берилганидан хурсандман. Инсон ҳеч қачон орта чекиммаслиги керак, деб ўйлайман ва шунга амал қиламан. Биз ҳар қандай шароитда ҳам ўзимизни кўрсата олганимиздан шод ва масрурман. Бундан кейинги ўтказиладиган спорт ўйинларида ҳам муваффақият қозонишга ҳаракат қиламан.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА СУРАТЛАРДА: «КРИДИ» клуби аъзоларининг спорт мусобақаларидан лавҳалар

Мунажжим башорати

КўПРОҚ ОИЛА ДАВРАСИДА БЎЛИНГ

7 ИЮНЬ, ПАЙШАНБА Бугун одамлар ташаббусдан кўра, кўпроқ мақтаниш, ўзларини салоҳияти буюк шахс қилиб кўрсатишга интилишди. Кўш вақтингизни оила даврасида ўтказиб, эски альбомларни титкилаш, аждодларингизни яхши сўзлар билан ёдга олиш билан банд бўлишингиз тавсия этилади. Муҳим ҳужжатларни бугун имзоламаганингиз маъқул. Ёзма равишда зиммангизга мажбурият олишдан ҳам ўзингизни тийинг.

Ойнинг 22-куни билимлар одатдагидан осонроқ ўзлаштирилади. Бинобарин, бугунги кунингизни кўпроқ билим олишга, ўқишга бағишланг. Илмий—тадқиқот ишлари билан, мустақил равишда билимингизни ошириш билан ҳамда эскидан ўзингизни қийнаб келаятган муаммони ҳал этишингиз ноёб усуллариини излаш билан машғул бўлиш фойдали. Тўтунали думи билан кўтарилган қуёш бугун тинчлик ва фаровонлик белгиси бўлган

яхшилиқ аломати ҳисобланади.


БУГУН:

- бошлаб қўйган ишингизни давом эттириш;
— имкон қадар ўзингизга ёққан иш билан шуғулланиш;
— турли муаммоларни ҳал этишда энг аввало ақл тарозуси билан иш кўриш;
— оилавий ва шахсий муаммоларингизга кўпроқ вақт ажратиш;
— ташқи кўринишингиз ва нуфузингиз ҳақида қайғуриш;
— ўзингиз учун энг қулай шароитларда меҳнат қилиш тавсия этилади.
Янги ишга қўл уришдан, нақд пул билан эҳтиётсизларча муносабатда бўлишдан, муғомбирлик қилиш ва бировларни алдашдан ўзингизни эҳтиёт қилинг.
Яшилликка мойил рангли либосларга устуворлик берганингиз маъқул.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон банклари Ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ, 2007 йил 10 июль куни соат 11.00 да «Ўзбекистон банклари Ассоциацияси» биносида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига Яқасарой туман суд ижрочилари бўлимиси томонидан 2006 йил 11 декабрдаги 1-2300/06-сонли ижро ҳужжати асосан тақдим этилган, Тошкент шаҳар Юнусобод тумани, Қорақалмиш кўчаси, 6-уй манзилидаги «Камаз центр» оғиржонлигида сақланаётган, 1999 йилда ишлаб чиқарилган ва давлат рақами 102 22-02 бўлган «АУДИ-А6» русумли автотранспорт воситаси қўйлади. Бошлангич баҳоси — 15944000 сўм.

Шунингдек, «Тошкент оқшом» газетасининг 2007 йил 8 майдаги 87-сонида Ўзбекистон банклари Ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ томонидан эълон қилинган, Чилонзор туман Суд ижрочилари бўлими томонидан 2007 йил 20 мартдаги 36/80/7 сонли ижро ҳужжати асосан тақдим этилган «YALPIZ» МЧЖга тегишли Тошкент шаҳар Чилонзор тумани, Луғфий кўчаси, 2-уй манзилидаги умумий майдони 347 кв.м.дан ташкил топган 1 қаватли савдо дўкони биноси савдолардан олинганлигини маълум қиламиз. Ушбу мулкларни суд ижрочилари бўлимиси вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб кўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатида ижро эълон рақами ва санасини кўрсатилган ҳолда объект бошлангич баҳосининг 10 фоизи миқдоридида закалат пулини «Ўзбекистон банклари Ассоциациясининг Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банк Автотранспорт филиалининг «Альянс» минибанкдаги, МФО 00417, СТИР 204325773, х/р. 20208000804234776001 тўлашлари ва ариза топширишлари шарт. Иштирок этиш учун топшириладиган аризаларни ва закалат пулларни қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев кўч. 1-уй. Тел. 138-69-94. Лицензия DB 001 №000010



Изоҳнинг ҳолати йўқ. Абдурашад Хакимов чизган расм.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г- 506

Бош муҳаррир Ақмал АКРОМОВ
Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2875 нусхада босилади. Қўғоз бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета «Тошкент оқшом»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
«Шарқ» нашрий-матбаа акциядорлик компанияси босмоҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Тўрон» кўчаси, 41-уй.
1 2 3 4 6
Топширилган вақти: 13:00